

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2026-yil 30-aprel, payshanba

18 (9390)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ФАРҒОНА МОДЕЛИДА ИЛМ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕХНАТ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27-28 апрель кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Фарғона вилоятида бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташрифнинг иккинчи кунини Фарғона шаҳридаги Инвесторларга хизмат кўрсатиш маркази фаолияти билан танишди.

Фарғона шаҳрида ташкил этилган "Farg'ona Expo", халқаро кўргазмалар маркази фаолияти вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини кенг намойиш этиш, sanoat кооперациясини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш ва инвесторлар учун қулай сервис муҳитини яратишга қаратилган.

Марказ нафақат кўргазма майдони, балки тадбиркорлар ва инвесторлар учун яхлит мулоқот майдончаси вазифасини ўтамоқда.

Беш гектар майдонни эгаллаган мажмуада 200 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз махсулотларини намойиш этиш имконияти яратилган.

Янги барпо этилган 8 қаватли бинонинг дастлабки икки қавати савдо, инвестиция ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар учун ажратилган. Юқори қаватлар эса инвесторлар ва бизнес вакиллари учун офис сифатида тақдим этилади.

Марказда йил давомида 15 та тармоқ йўналиши бўйича доимий кўргазма-ярмарка фаолият юритади. Бу ерда давлат идоралари, ишлаб чиқарувчилар, экспортчилар ва инвесторлар бир

майдонда учрашиб, амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконига эга бўлади.

Фарғона тажрибасининг самарадорлигини инобатга олган ҳолда, бундай замонавий кўргазма залларини Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳам барпо этиш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёевга Фарғона шаҳрида инвестор ва тадбиркорлар учун жорий этилган "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви ахборот тизими" платформалари ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, invest.gov.uz ва rmi.mii.uz платформалари маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни ягона рақамли майдонда бирлаштириб, инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, амалга ошириш ҳамда мониторинг қилиш жараёнларини очик ва шаффоф ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Ягона инвестиция платформаси "ягона дарча" тамойили асосида ишлайди. У орқали инвестор ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, тайёр инвестиция лойиҳалари билан танишади, ўзига мақбул йўналишни тандайди ва шахсий кабинет орқали зарур жараёнларни кузатиб боради.

Инвестор лойиҳа бўйича ишларни мустақил юритиши ёки ваколатли консультант хизматидан фойдаланиши мумкин. Юборилган сўровлар Ин-

вестиция вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан интеграциялашган платформада акс этади. Ҳар бир босқич бўйича муддатлар автоматик белгиланади, ижро масъул менежер томонидан назорат қилинади.

Кечикиш ёки муаммоли ҳолатлар юзага келганда, масала Ҳукумат комиссияси муҳокамасига киритилиб, тезкор қарор қабул қилинади. Бундай рақамли ечимлар тадбиркорлар учун қулайлик яратиш, инвестиция муҳитига бўлган ишонччи мустаҳкамламоқда.

Фарғона вилоятида инвесторлар ва консалтинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам самарали йўлга қўйилган. Бу янги лойиҳаларни шакллантириш, уларни молиявий ва ташкилий жиҳатдан пухта тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентга вилоят учун тақдим этилаётган қатор йирик инвестиция лойиҳалари тақдим қилинди. Жумладан, Хитой билан ҳамкорликда "Евроосиё халқаро савдо маркази"ни барпо этиш, Жанубий Корея билан биопеллет ишлаб чиқариш ва иссиқлик энергияси станциясини ташкил этиш, Туркия билан замонавий тиббиёт кластерини шакллантириш режалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Франция, Испания, Биришган Араб Амирликлари ва Қатар билан ҳамкорликда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъ-

минлашга қаратилган йирик инфратузилмавий лойиҳа тақдим этилди.

Вилоятда 5 юлдузли меҳмонхона ва замонавий конгресс-холл қуриш, Қувасой шаҳрида янги форматдаги истироҳат боғини ташкил этиш, электромобиллар учун аккумулятор ишлаб чиқариш каби истиқболли ташаббуслар ҳам кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари марказда Фарғона вилоятининг sanoat ва хизмат кўрсатиш салоҳиятига оид кўргазмалар билан танишди. Хунармандчилик, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, чарм-пойафзал ва заргарлик соҳаларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар намойиш этилди.

Иккинчи йирик залда озиқ-овқат sanoati, экологик транспорт, нефть-газ тармоғи, мебелсозлик, фармацевтика ва кимё sanoatига оид махсулотлар тақдими ташкил этилди. Бу кўргазмалар ҳудудда ишлаб чиқариш тармоқлари кенг қамровда ривожланаётганини намоён қилди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари хорижий тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)



ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги "2026-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, жорий йилда "Сурхондарё сувқурилиши инвестиция" давлат муассасаси буюртмачилигидаги 11 та объектда ирригация ва мелиорация ишлари олиб борилаётган.

Жумладан, 8 та ирригация объектини реконструкция қилиш ва қуриш учун 89 650 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобига 5 та йилдан-йилга ўтувчи, 3 та янгидан бошланувчи ирригация объектлари муайян ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, 33 км. узунликдаги каналлар, насос станциялар, 11 км. узунликдаги босимли қувурларда реконструкция ва қуриш, бир дона ГТИни сел-тошқин сувларидан ҳимоялаш ҳамда дамбани тиклаш ишларини бажариш режалаштирилган. Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра 44925,8 млн. сўмлик реконструкция, қуриш ишлари амалга оширилиб, йиллик режага нисбатан 50 фоизга бажарилди.

Худди шунингдек, мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ҳам ишлар белгиланган режа асосида давом этмоқда. Бунинг учун 7 430 млн. сўм маблағ йўналтирилмоқда. Шунинг ҳисобига 3 та янгидан бошланувчи мелиорация объектлари: 9,525 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 3 дона ГТИларда реконструкция, қуриш ишларини бажариш режалаштирилган. Ушбу йўналишда ҳам кўзда тутилган ишлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур тадбирлар натижасида вилоятимиз қишлоқ хўжалиги мажмуидан кенгайтирилган ирригация объектлари кафолатли сув билан таъминланади. Аҳолининг деҳқончилик қилиши ва томорқадан қўшимча даромад олиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Алишер АБДУРАҲИМОВ,
"Сурхондарё сувқурилиши инвестиция" ДМ
директори.

UDEAда "JOB FAIR - 2026" ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети ҳамда Coventry University ҳамкорлигида ташкил этилган "Job Fair - 2026" талабалар ва иш берувчиларни бир майдонда жамлади. Тадбир ёшлар учун карьера йўлини белгилашда муҳим платформага айланди.



Ярмаркада Агробанк, IT Park Ўзбекистон, "Халқ банк" ва бошқа етакчи компаниялар иштирок этиб, талабалар билан бевосита мулоқот ўтказди. Иштирокчилар амалиёт, стажировка ва доимий иш ўринлари бўйича аниқ таклифларга эга бўлишди. Бундай ярмаркаларни ташкил этишдан асосий мақсад, талабаларни нафақат назарий билим билан, балки реал меҳнат бозори талаб-

ларига мос, амалий кўникмаларга эга мутахассис сифатида тайёрлашдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, UDEA талабалари халқаро дастурлар асосида таълим олиб, инглиз тилида ўқиш, реал лойиҳаларда иштирок этиш ҳамда битирувдан сўнг банк тизимида иш билан таъминланиш имкониятига эга.

Агробанк ахборот хизмати



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

УЧҚЎРҒОНЛИК ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЎЗ ТАЖРИБАСИ БОР

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорликка бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Боиси, сўнгги пайтларда бу борада кўп-кўп меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бизнес фаолиятини бошлаш истагидаги кишилар ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, ишбилармонларга қўшимча имтиёз ва энгилликлар берилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш,

фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, фаол бандликни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Маълумки, халқимизнинг ишбилармонлик салоҳияти оилавий тад-

биркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолият турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради.

(Давоми 3-саҳифада)

Пресс-тур

Сўнгги йилларда юртимизда ботдорчилик соҳасини ривожлантириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, юқори самарали ва экспортбоп мева навларини етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, янги интенсив боғлар, замонавий суғориш тизимларини жорий этиш, кўчатчилик хўжалиқларини ривожлантириш, қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмасини яратиш борасида амалий ишлар олиб борилаётган.

БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК САНОАТ АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ушбу ташаббус мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчиликни sanoat асосида ривожлантириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, экспортбоп қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ҳажминини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан юқорида қайд этилган йўналишларда амалий ишлар олиб борилаётган.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида жами 365,5 минг гектар (шундан, фермер хўжалиқларида 273,2 минг гектар ҳамда аҳоли ва деҳқон хўжалиқларида 92,3 минг гектар) мевали боғлар мавжуд бўлиб, мавжуд боғлардан ўтган йили 3,4 млн. тонна ҳосил олинди. Фермер хўжа-



ликларидаги мавжуд 273,2 минг гектар боғларнинг 29 фоизини интенсив мевали боғлар ташкил этиб, 18 фоиз қисмида томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган.

Шунингдек, юртимизда 207,1 минг

гектар узумзорлар мавжуд бўлиб, мавжуд узумзорлардан ўтган йили 2 млн. тонна ҳосил олинди. Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мавжуд 136,6 минг гектар узумзорларининг 61 фоиз қисмини ҳосилли узумзорлар ташкил қилади. Уларнинг 12 фоизда ресурс тежамкор технологиялар асосида томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги тегишли фармони билан Республикада 2024-2025 йилларда иқтисодий самарасиз ҳамда эскирган боғ ва тоқзорлар ўрнида янгидан 43,2 минг гектар боғ ва тоқзорлар барпо этилиши белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ТОЛАЛИ ЗИҒИРНИНГ ИЛК ҲОСИЛИ

маҳаллий шароитда кенг миқёсда етиштириш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берди

Сўнгги йилларда республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификация қилиш, экспортбоп ва иқтисодий жиҳатдан самарали экин турларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, анъанавий экинлар билан бир қаторда янги ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш орқали ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиламоқда. Шу нуктаи назардан, толали экинлар, хусусан, толали зигир экиннинг республика шароитига мослаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Толали зигир (Linum usitatissimum L.) дунё миқёсида

қимматли тола манбан ҳисобланади, тўқимачилик sanoatида кенг қўлланилади. Унинг толаси мустаҳкам, энгил ва экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, замонавий бозор талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу сабабли ушбу экинни Ўзбекистон шароитида етиштириш имкониятларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Республикада толали зигир экинини маҳаллий туПРОҚ-ИҚЛИМ шароитига мослаштириш бўйича илмий тадқиқотлар Толали экинлар илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ФАРҒОНА МОДЕЛИДА ИЛМ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕҲНАТ НАТИЖА БЕРМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, олтинни қайта ишлаш фабрикаси фаолиятини кенгайтириш, замонавий кабел ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш билан боғлиқ ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент тадбиркорларни қийнаётган масалаларни тинглаб, уларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Барча лойиҳаларни амалга оширишда тежорлик, самардорлик ва очикликни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, кейинги йилларда ҳудуд иқтисодиётида рўй берган ўзгаришларга тўхталди. Сўнгги йилларда вилоятда 8 миллиард 200 миллион доллар инвестиция ҳисобига 8 мингта замонавий қувват ишга туширилди. Тадбиркорлик учун 100 триллион сўм ресурс йўналтирилди, тижорат майдонлари 10 миллион квадрат метрга кўпайди. 13,5 минг кичик ва ўрта корхона ташкил этилиб, уларнинг сони қарийб 2 карра ошди.

Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробарга, саноат 1,5 баробарга, хизматлар 3 баробарга ўсди. Асосийси, сўнгги тўрт йилда ишсизлик 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик даражаси эса 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушди.

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Марғилондаги Ипакчи ва Қирғили маҳаллаларида 241 та эски ҳовли ўрнида 2,5 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. Наврўз маҳалласида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивига бу йил яна 6,5 минг оила қўчиб киради. Бундай ишлар Ёзёвон, Кува туманлари, Қўқон ва Фарғона шаҳарларида ҳам давом этмоқда.

Сўнгги ўн йилда вилоятда 74 минг ўринли мактаб, 145 минг ўринли боғча ва 3 минг койкали шифохоналар ишга туширилди. 167 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларда 40 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Таълим сифати ошгани натижасида ёшларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи бўйича Фарғона республикада 3-ўринга кўтарилди.

Қишлоқ хўжалигида 15 минг гектар саноатлашган боғ ва тоқзор яратилди, яна 6 минг гектари янгиланди. Мева-сабзавот экспорти 3 карра кўпайиб, 400 миллион долларга етди. Фарғона, Сўх, Кува туманлари, Марғилон ва Қўқон шаҳрида туризм жадал ривожланмоқда. Ўтган йили хорижий туристлар сони илк бор 500 мингдан, маҳаллий сайёҳлар 3 миллиондан ошди, туризм экспорти эса 185 миллион долларга етди.

— Фарғона аҳли биздан янада катта натижа кутяпти, — деди Президент.

Шу боис, жорий йил вилоятда иқтисодиётни 9,1 фоизга, саноатни 9 фоизга ўстириш, 4,5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш, экспортни 2 карра кўпайтириб, 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Фарғона давлат идоралари, саноат, сервис ва қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар, рақамли ечимлар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш бўйича намуна бўлиши кераклиги таъкидланди.

"Беш миллион сунъий интеллект етакчиси" дастури бўйича сертификат олган ёшларнинг энг кўпи Фарғона вилоятига тўғри келади. Вилоят ва туманлар раҳбарларига иқтидорли ёшларни жалб этган ҳолда давлат идораларидаги хизматлар ва жараёнларни рақамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорлар учун кулайликларни ошириш топширилди.

Маҳаллаларнинг устуникларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, иш ўрни, қўшилган қиймат ва аҳоли даромадини кўпайтирадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Масалан, Ёзёвон тумани имкониятлари сунъий интеллект ёрдамида ўрганилганда туман иқтисодиётида асосий эътиборни логистикага қаратиш зарурлиги аниқланган. А-373 магистрал йўлининг Ёзёвондан ўтган 35 километр қисми орқали кунига 30 минг транспорт воситаси ҳаракатланади. Шу боис, туманда логистика марказлари, йирик оморлар, йўл бўйи сервис объектиларини кўпайтириш орқали иқтисодий айланmani яна 1 триллион сўмга ошириш вазифаси қўйилди.

Сўнгги йилларда Фарғонада IT хизматлари 4 карра ўсиб, экспорт

23 миллион доллардан ошди. Янги ўқув йилидан Кува тажрибаси асосида яна 16 та туманда техникумлар негизида дастурлаш, робототехника, график дизайн ва хорижий тиллар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Фарғона шаҳрида IT-парк университети, Марғилонда ИНХА университетининг филиалини очиб, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва дастурий муҳандислик йўналишларида йилига 1 минг нафар талабани ўқитиш белгиланди.

Электрон тижоратни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада Фарғона вилояти ҳали паст экани қайд этилиб, улашда каммида 100 минг квадрат метрли оморхона ташкил қилиш, шундан 30 минг квадрат метрни жорий йилда ишга тушириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Саноат ва хўжаликчиликка ихтисослашган 126 та маҳалладаги тадбиркорларни электрон тижорат платформаларидан фойдаланишга ўргатиш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд захира раларни ишга солиш ҳам муҳокама қилинди. Вилоятда 370 минг гектар сўғориладиган ер, шундан 55 минг гектар боғ ва тоқзор бор. Қолаверса, 5,5 минг гектар боғ ва тоқзор эскирган, 6 минг гектар дашт ҳамда адир ерларидан самарали фойдаланилмапти. Бу қўшимча 300 минг тонна мева-сабзавот ва иқтисодиётга 2 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратиш имкони экани таъкидланди.

"Кува Агростар" агромажмуаси тажрибаси алоҳида қайд этилди. Бу ерда кооперация асосида томорқа ва деҳқон хўжалиқларига кичик цехлар қуриш, деҳқонларни ўқитиш, ин-витро лабораторияда етиштирилган кўчатлар билан таъминлаш ва тайёр маҳсулот экспортга кўмаклашиш йўлга қўйилмоқда. Мана шундай ёндашувларни барча туманларда жорий қилиш, 5,5 минг гектар эскирган боғларни тўлиқ янгилаш топширилди.

Вилоятда 50 минг гектар кам ҳосилли пахта ва ғалла ерлари ҳамда самараси паст боғлар ўрнида супер интенсив боғлар яратиш бўйича катта дастур ишлаб чиқилди. Бу йил 611 минг тонна мева, 252 минг тонна узум, 1,8 миллион тонна сабзавот, 119 минг тонна шили етиштириб, мева-сабзавот экспортини 25 фоизга ошириш ва 500 миллион долларга етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция масалаларига ҳам тўхталди. Вилоятда саноат зоналари учун ажратилган 1 минг 77 гектар ердан самарали фойдаланиш, ҳар бир гектарда йилига каммида 50 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш асосий мезон бўлиши белгиланди. Саноат зоналарида 5 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш топширилди.

Бешариқдаги Андархон маҳалласида эркин савдо зонаси ташкил этиш, Қўқондаги механика заводи ҳудудида 70 миллион долларлик йирик савдо комплексини барпо этиш таклифлари қўллаб-қувватланди.

Туризм соҳасида ҳам катта имкониятлар борлиги қайд этилди.

— Тарихий обидалар ва бетакрор табиати ўзида жамлаган Фарғонада хорижий туристлар оқимини яна 2-3 карра оширсан бўлади, — деди Президент.

Бунинг учун Қўқон ва Марғилонни зиёрат туризмига, Сўх, Кува, Бешариқ ва Фарғона туманларини тиббий ҳамда экотуризмга ихтисослаштириш зарурлиги таъкидланди. Қувадаги "Каркидон" сув омбори атрофида дам олувчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда вазиятлар маркази ташкил этигани қайд этилиб, мамлакатдаги бошқа сув омборларини ҳам босқичма-босқич аҳоли ва сайёҳлар учун қулай масканларга айлантириш вазифаси қўйилди.

Марғилонда "Бурхониддин Марғинович" илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиши миллий қадриятлар ва тарихимизни дунёга намойен этидиган муҳим қадам сифатида баҳоланди. Фарғона туманида "Шоҳимардон — Ёрдон" халқаро курорт зонаси, "Водий" малина-агротуризм кластери, "Аввал" кўнгилол туризм мажмуаси ва "Чимё" санаторий-курорт зонаси каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Келаси йил якунигача 300 миллион долларлик 50 та туризм лойиҳасини ишга тушириш зарурлиги белгиланди.

Қўқонда 64 та маданий мерос объектини қамраб олган 3 та пиеда туризм маршрути ишлаб чиқилган. Шаҳардаги маданий мерос объектиларида жойлашган давлат идораларини

бошқа биноларга кўчириш, тарихий объектиларни туризм ва маданият масканларига айлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Сўх туманида экотуризм, агро ва тиббий туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Сўх дарёсининг Сариканда, Истиклол ва Ровон маҳаллаларидан ўтган қисмида 130 гектар майдонда йирик туризм комплексини барпо этиш, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда туманни ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш топширилди. Умуман, туманга янгица қиёфа олиб кириш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиниши эълон қилинди.

Йиғилишда Фарғонанинг бой маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қўқон адабий муҳити антологияси ва электрон платформасини яратиш, Адабиёт ва ижод мактабини ташкил этиш таклиф қилинди. Ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш мақсадида вилоятдаги 100 та маҳаллада намунавий маҳалла кутубхоналари ташкил этилади, бук-кафе очган тадбиркорларга солиқ ва ижара тўловлари бўйича имтиёзлар берилди. "Бурхониддин Марғинович" илмий-маърифий ва туризм мажмуасида ҳар икки йилда Халқаро китобхонлик фестивалини ўтказиш, унга дунёнинг машҳур ёзувчи ва шоирларини таклиф қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Фарғона маданиятининг ажралмас қисми бўлган аския санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Марғилонда Юсуфжон қизик Шакаржонно номидида Республика аския ва қизқичлик санъати маркази ташкил этилгани қайд этилиб, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, туман маданият марказлари ҳамда мусика-санъат мактабларида аския ва қизқичлик маҳорати йўналишларини очиб топширилди.

Йиғилиш давомида вилоят ва туманлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакилларининг фикрлари тингиланди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги IT-парк мажмуасида яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Мазкур мажмуа давлатимиз раҳбарининг 2024 йил август ойидаги таширифи давомида берилган топшириқлари асосида барпо этилган. 150 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобига қурилган объект бир вақтнинг ўзида 200 нафаргача фойдаланувчинини қамраб олади. Йилига 3 мингдан ортиқ ёшларни ўқитиш, уларни амалий лойиҳаларга жалб этиш ва AT хизматлари кўрсатиш имконияти яратилган.

Марказда фрилансерлар ва дастурчилар учун замонавий коворкинг муҳити, резидент компаниялар учун тўлиқ жиҳозланган офислар ташкил этилган. Бу ерда таълим, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ўзаро боғланган ҳолда йўлга қўйилган. Яратилган инфратузилма ёшларнинг ўзини ўзи банд қилиш имкониятини кенгайтириб, барқарор даромад топшишига хизмат қилади.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Фарғона вилоятида AT хизматлари ҳажми 4 баробарга ўсиб, экспорт 23 миллион доллардан ошган. Хозирги кунда вилоятда "IT-парк" резидентлари сони 139 тага етган. 2025 йилда 22,7 миллион долларлик ахборот технологиялари хизматлари экспорт қилинган.

Янги парк доирасида резидентлар сонини 200 нафарга етказиш, 700 та янги иш ўрни яратиш, хизматлар ҳажминини ошириш ҳамда 30 миллион долларлик экспортга эришиш мақсад қилинган.

Келгусида мазкур мажмуада сунъий интеллект технологиялари хабини ташкил этиш, бошқарув тизимларини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, сунъий интеллект, дастурлаш, график дизайн, компьютер саводхонлиги ва инглиз тили бўйича замонавий ўқув курслари йўлга қўйилди. Стартлар учун венчур молиялаштириш, грантлар ва акселерация дастурлари жорий этилади.

Президентимиз парк резидентлари ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган ёшлар билан мулоқот қилди. Улар томонидан илгари сурилган ташаббус ва ғоялар қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти футбол ассоциациясига қарашли футбол маркази ва "Нефтчи" болалар футбол академиясида яратилган шароитлар билан танишди.

Фарғона вилояти ўзининг бой футбол анъаналари ва истеъодли чарм тўп усталари билан машҳур.

Жумладан, 1962 йилда ташкил этилган "Нефтчи" футбол клуби Ўзбекистон Суперлигасининг 6 карра чемпиони, мамлакат кубогининг 2 карра ва суперкубокнинг 1 карра соҳиб ҳисобланади. Шунингдек, клуб 1994 йилда МДХ кубоги финалчиси бўлган, 1994-1995 йилларда эса Осиё чемпионолар лигасида бронза медалларини қўлга киритган.

Бугун ҳам ҳудудда иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш ва тайёрлаш, малакали мураббийлар захирасини шакллантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, профессионал футбол клублари академияларини ривожлантиришга қаратилган чоралар натижасида 2025 йилда "Нефтчи" болалар футбол академияси ташкил этилди. 4,5 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган академия 150 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган. Бу ерда 6 та катта ва кичик футбол майдони, замонавий тиббий ва реабилитация ускуналари билан жиҳозланган физиотерапия бўлими фаолият юритади.

Академияда 1,1 миллион долларлик сунъий қопламали, ҳаво ғимлази билан ёпилган ёпиқ футбол манежи барпо этилган.

Вилоятда футбол муҳитини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни саралаш мақсадида UEFA инструкторлари ва бошқа халқаро мутахассислар жалб қилинган.

Президентимиз академияда футболчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг машғулотларини кузатди.

Фарғона вилоятига таширифи доирасида давлатимиз раҳбари Фарғона халқаро аэропортини ривожлантириш концепцияси тақдимоти билан танишди.

Бугунги кунда Фарғона аэропортидаги терминал ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб келмоқда. Унинг ўтказувчанлиги қуввати, йўловчиларга қўлайлик даражаси, шунингдек, авиация ва ноавиация хизматларини ривожлантириш имкониятлари замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермай қолган.

Шу боис парвозлар географиясини кенгайтириш, ҳудуднинг ўсиб бораётган иқтисодий фаоллиги ва сайёҳлар оқимида мос равишда хизмат кўрсатиши таъминлаш мақсадида аэропорт инфратузилмасини комплекс ривожлантириш режалаштирилган.

Тақдиротда учинчи-қўнчи йўлагини узайтириш ва кенгайтириш, аэродром инфратузилмасини модернизация қилиш, янги йўловчи ҳамда юк терминалларини барпо этиш масалалари кўриб чиқилди.

Майдони 20 минг квадрат метр бўлиши кутулаётган янги йўловчи терминали хозирги имкониятларга нисбатан икки баробар кўп — 1,2 минг нафаргача йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Шунингдек, қўшимча самолёт тураргоҳлари барпо этилиб, ҳаво кемаларини сақлаш имконияти 10 тагача етказилади.

Янги терминалда кенг кутиш заллари, замонавий сервис нуқталари, қулай рўйхатдан ўтиш ва назорат тизимлари, шунингдек, юқори мартабали меҳмонлар учун алоҳида хизмат кўрсатиш шароитлари яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт ҳар қандай ҳудуднинг "дарвозаси" эканини таъкидлаб, бу ерда замонавий сервисни йўлга қўйиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ёндоқ тармоқларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берди.

Лойиҳалаш, қурилиш ва янги терминални кейинчалик бошқаришни халқаро стандартлар асосида, тегишли тажрибага эга хорижий операторларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Фарғона водийсида транспорт боғлиқлигини кучайтириш, сайёҳлар оқимини ошириш ва ҳудуднинг логистик марказ сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА МАХСУ МУХБИРЛАРИ.



БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК САНОАТ АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Амалда 44,2 минг гектар саноатлашган интенсив мевали боғ ва тоқзорлар барпо этилди. Шунингдек, ўтган йили иқтисодий самарасиз, яроқсиз ва кам ҳосилли 35,7 минг гектар боғ-тоқзорлар реконструкция қилиниб, улар ўрнида 17,3 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва узумзорлар барпо этилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам жадал давом эттирилмоқда. Ушбу йилда 30,5 минг гектар, шундан, баҳор мавсумида 17,4 минг гектар, куз мавсумида 13,1 минг гектар мевали боғ-тоқзорлар барпо этиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг 10 апрель ҳолатига кўра жами 16,2

минг гектар (баҳорги режага нисбатан 92 фоиз), шундан, 13,7 минг гектар мевали боғ ва 2,5 минг гектар узумзорлар барпо этилди. Барпо этилган боғ-тоқзорлар учун 14,4 млн. дона (11,3 млн. дона мевали ва 3,1 млн. дона ток) кўчатлар етказиб берилди. Баҳор мавсуми якунига қадар 1,2 минг гектар, шундан, 851 гектар мевали боғ ва 480 гектар узумзорлар барпо этилди.

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, яроқсиз ва кам ҳосилли бўлган 20,8 минг гектар (режага нисбатан 94 фоиз), шундан, 15,8 минг гектар боғ ва 5 минг гектар тоқзорлар реконструкция қилинди.

Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани Шодмалик ота маҳалласи ҳудудида жойлашган замонавий саноат-

мослиги туфайли етиштирилаётган маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тадбир давомида иштирокчиларга агросаноат соҳасида амалга оширилаётган иш-лохотлар, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ушбу лойиҳа мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозорларда рақобатбардорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ахборот хизмати



ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ТОЛАЛИ ЗИГИРНИНГ ИЛК ҲОСИЛИ

маҳаллий шароитда кенг миқёсда етиштириш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берди

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу тадқиқотларда экиннинг биологик хусусиятлари, ўсиш ва ривожланиш динамикаси, агротехника элементлари ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг сентябрь ойида тулаланинг Президент Грант, Дуқат, Лада, Августин ва Ақцент навлари эклиби, олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларига кўра, илк бор Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитида мазкур экин тўлиқ вегетация даврини ўтаб, пишиб етиганини аниқланди. Бу натижа толали зигир экиннинг республика шароитига мослашиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Илк ҳосилнинг олинини эса ушбу экинни маҳаллий шароитда кенг миқёсда етиштириш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Тадқиқот натижалари шунини кўрсатадики, толали зигир экинни илмий асосланган агротехника асосида парваришлаш орқали юқори сифатли тола ва барқарор ҳосилдорликка эришиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу экиннинг нисбатан қисқа вегетация даврига эга эканлиги уни такрорий экин тизимида самарали қўллаш имкониятини яратди.

лашган узум плантациясига ОАВ вакиллари учун ташкил этилган пресс-турда шулар ҳисобига батафсил сўз юритилди. Пресс-тур доирасида юртимизда дастлабки "УФО" технологияси асосида барпо этилган узумзор фаолияти билан яқиндан танишилди.

Ушбу инновацион технология АҚШнинг Калифорния тажрибаси асосида яратилган бўлиб, узум етиштиришда юқори самарадорликка эришиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш имконини бермоқда.

Плантацияда узумнинг экспортбоп "Аватар" (Moon drop) нави парваришланмоқда. Унинг юқори сифати ва бозор талабларига

мувофиқ бўлиши таъминлаб, ер ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини оширади.

Айниқса, толали зигир экинни кузги бўғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштириш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу орқали фермер хўжаликлари қўшимча даромад манбаига эга бўлади, шунингдек, мамлакатда тола хомашеси базасини кенгайтириш имконияти яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган илмий тадқиқотлар толали зигир экинни Ўзбекистон шароитида етиштириш мумкинлигини ҳамда унинг юқори иқтисодий самарадорликка эга истиқболли экин турларидан бири эканлигини кўрсатади. Илк бор ҳосил олинини ушбу экинни амалиётга жорий этиш учун мустаҳкам илмий асос яратиб, келгусида уни саноат миқёсида кенгайтириш имкониятларини очиб беради.

Длишод ҒОҒУРОВ,
Толали экинлар илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.

КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизация қилиш, очкилик ва шаффофликни таъминлаш, энг муҳими, коррупцияга қарши курашни кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



Одилхон САЙФУЛЛАЕВ, “Агросаноат агро лизинг” МЧЖ Бosh директори.

Бу борадаги ислохотларни янада самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар комплаенс тизими жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўш, комплаенс тизими нима?

Комплаенс – ташкилот фаолиятининг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ички қоидалар ва ахлоқий стандартларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган тизимдир. У фақат назорат эмас, балки олдини олиш, профилактика ва масъулият маданиятини шакллантириш вазифасини ҳам бажаради.

Жаҳон таърибаси шуни кўрсатдики, самарали комплаенс тизими мавжуд бўлган мамлакат ва ташкилотларда коррупция хавфи камайди, давлат ва жамият ўртасида ишонч ортади, инвестициявий жозибадорлик кучаяди. Шу боисдан ҳам давлат органлари ва давлат улуши мавжуд корхоналарда коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими жорий этилмоқда. Бу орқали коррупция, ҳуқуқбузарликлар ҳамда ишонсизлик муаммоларини бартараф этиш чоралари қўрилмоқда, фуқаролар учун давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар фаолиятида шаффофлик, адолат ва қонун устуворлиги таъминланади.

Комплаенс фақат назорат эмас...

“Узавтосаноат” акциядорлик жамияти тизимидан қорхоналардан бири бўлган “Autosanoat

agro lizing” МЧЖда 2022 йил 3 октябрдан бошлаб комплаенс тизими жорий этилган бўлиб, ушбу йўналишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Раҳбарнинг 2023 йил 4 октябрдаги “Комплаенс назоратига оид ҳужжатларни қўриб чиқиш ва тизимлаштириш тўғрисида”ги буйруғи асосида қатор ички норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати, манфаатлар тўқнашуви

Барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидалар киритилган. Ўтган йил давомида ходимлар учун санкциялар ва экспорт назорати, танлов асосида ишга қабул қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ҳамда совғаларга оид талаблар буйича қатор тренинглар ўтказилди.

Шунингдек, коррупциявий хавф-ҳатар мавжуд лавозимларда ишловчи 12 нафар ходим



сиёсати, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти, хабар бериш каналлари орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш регламенти, ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш буйича ўқитилишни ташкил этиш йўриқномалари, бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш, хизмат кўрсатиш шартномаларини ўзгариш, совғалар ва меҳмондўстликка оид низомлар каби муҳим ҳужжатлар амалга ошириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хизмат сафарлари, хайрия ва бошқа йўналишларда тўғри таъбиқ этилмоқда ҳамда мунтазам равишда янгиланиб борилмоқда.

Зеро, комплаенс тизимининг муваффақияти фақат ҳужжатлар билан эмас, балки ходимларнинг онги ва маданияти билан ҳам боғлиқдир.

Шу боис, жамият ходимлари учун мунтазам ўқув семинарлари, тушунтириш ишлари ташкил этилмоқда. Аноним мурожаатлар учун ишонч телефони, махсус электрон почта манзили ва ички портал орқали хабар қолдириш имконияти яратилган бўлиб, барча мурожаатларни махфий равишда кўриб чиқиш тизими яратилган.

Ўтган йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “Давлат хизматида ҳалолликни таъминлаш” мавзусида махсус ўқув курсларида қатнашиб, тегишли сертификатларга эга бўлди. Коррупцияга қарши курашиш бир кишининг эмас, балки барчамизнинг умумий бурчимиздир. Комплаенс эса ташкилотда адолат, поклик ва шаффофликни таъминлайдиган муҳим механизм ҳисобланади. Шу боисдан ҳам “Autosanoat agro lizing” МЧЖда комплаенс тизими бошқача-бошқич таъминлаштирилиб, корпоратив маданиятни юксалтириш, ишончли бизнес муҳитини шакллантириш ва компания имиджини оширишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, комплаенс тизими Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг таъсирчан воситаси, давлат бошқарувида очкилик ва шаффофликни таъминловчи муҳим механизм, қонун устуворлигини мустақкамловчи институт сифатида изчил ривожланиш бормоқда. У фақат ҳужжат эмас, балки бошқарув маданияти ҳамдир. Уни самарали жорий этиш орқали давлат органларида ҳалоллик, жавобгарлик ва қонун устуворлиги таъминланади.

ФИДОЙИ ОЛИМ РУСТАМ БОЙМЕТОВНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, ибратли инсонлари бўлади. Улар ҳаёти ва меҳнати билан нафақат атрофидагиларга, балки бутун жамиятга таъсир кўрсатади. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меҳнатозор, таниқли олим ва устоз, техника фанлари доктори, профессор Рустам Исаевич Бойметовдир. Унинг ҳаёт йўли оддийликдан юксакликка, изланишдан эътирофга олиб чиққан машаққатли ва шарафли йўлдир.



У киши меҳнат фаолиятини бошлаган илк кунлардан ўз олдига илм орқали халққа хизмат қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, замонавий технологияларни амалиётга жорий этишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадларини қўйди. Бу мақсадлар йўлида у тинмай изланди, ўрганди ва янгилик яратишдан тўхтамади. Рустам Исаевич Бойметовнинг илмий ва ижтимоий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, биринчи навбатда пахтачиликни механизациялаш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш билан узвий боғлиқ. У ўз илмий фаолияти билан тупроққа ишлов бериш сифатини ошириш, сўғориладиган деҳқончилик учун юқори унумли, энергия-ресурстежамкор, экологик хавфсиз тупроққа ишлов бериш машиналарини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш буйича ўзбек илмий мактабининг ташкилотчиси ва раҳбарига айланди, десак хато бўлмайди.

Рустам Бойметов 1936 йил Қашқадарё вилояти Китоб шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳридаги 71-сонли ўрта мактабни олтин медал билан тугатгандан сўнг 1954 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига ўқишга кирди. 1959 йили шу институтни муваффақиятли тугатгандан сўнг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаш

тириш илмий-тадқиқот институти (САИМЭ, ҳозирги ЎЗМЭИ)га фаолиятини боғлади. Бу ерда у илмий ходимдан институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди ва узоқ йиллар давомида ўз танлаган илмий йўналишига содиқ қолди, ЎЗМЭИда йирик олим бўлиб етишди. Бу даврда унинг ташкилотчилик хусусиятлари яққол намоён бўлди, ҳақиқий тадқиқотчилик иқтидори очилди. Рустам Бойметов бутун фаолияти мобайнида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ҳам фаол иштирок этади.

Рустам Бойметов юксак тақдирланишларга муносиб кўрилган. Жумладан, у “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор” фахрий унвони, “Қишлоқ хўжалиги аълочиси” ва “Ихтирочи” кўкрак нишонлари, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг иккита кумуш ва битта бронза медалларига сазовор бўлган. Рустам Бойметов ўзининг ҳалол ва буюнсон меҳнати билан нафақат ўзи самарали ишлаётган институтда, балки ундан анча узоқларда ҳам катта ҳурмат қозонди. У виждонлиги, ишбилармонлиги, камтарлиги ва холислиги билан ажралиб туради. У адолатли ва хайрихоҳ инсон, ҳаминча жамоанинг ташвишлари ва эҳтиёжлари билан яшайди.

Олим сифатида у 400 дан ортиқ илмий ишлар, муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар муаллифи ҳисобланади. Илмий тадқиқотлари қишлоқ хўжалиги

техникасини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш жараёнларини энгиллаштиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишлар нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланилди. Шу билан бирга, устоз қўлаб илмий-оммабоп ва публицистик асарлар муаллифи сифатида ҳам фаолият юритиб, кенг жамоатчиликка илм аҳамиятини тушунтириш, ёшларни билимга қорлаш борасида катта хизмат қилди. Унинг мақолаларида ҳаётий таърибга, илмий таҳлил ва инсонпарварлик руҳи уйғунлашган бўлиб, ўқувчида чуқур таассурот қолдиради.

Рустам Исаевич ҳақиқий маънода мактаб яратди. Унинг раҳбарлигида 8 нафар фан доктори, 30 дан ортиқ фан номзодлари этиштиб чиққан. Устозини улғайтирган жиҳат фақатгина унинг илмий ютуқлари эмас, у киши, аввало, юксак инсоний фазилатлар соҳиби. Унинг одамийлиги, самимийлиги, меҳрибонлиги ва камтарлиги барчани ўзига ром этади.

Рустам Исаевичнинг ҳаётида бир жиҳат алоҳида эътиборга лойиқ: у киши қайси лавозимда ишлагани, қайси мақомга эришгани, инсонийликни биринчи ўринга қўйди. Илмга садоқат, меҳнатга муҳаббат ва одамларга ҳурмат унинг бутун ҳаётини белгилаб берган асосий тамойиллардир. Бутун Рустам Исаевич

90 ёшни қарши олмақда. Бу нафақат катта ёш, балки бой ҳаётий таърибга, сабоқ ва ютуқларга бой йўлнинг рамзидир. У киши ҳали ҳам тегик, ҳаётга қизиқувчан ва атрофдагилар учун маънавий таянч бўлиб қолмоқда.

Шундай инсонлар бор экан, жамиятда маънавий куч, илмга интилиш ва тараққиётга ишонч сўнмайди. Рустам Исаевич каби фидойий инсонлар ҳаёти бу китоб, уни ўқиб, ўрнат олиш ҳар биримиз учун шарафдир.

Муҳтарам устозга мустақкам соғлиқ, узоқ умр ва яна кўп йиллар давомида халқимиз хизмати қилиш бахти ёр бўлишини тилаймиз.

Юксак билимли олим, кенг миқёсдаги илмий қизиқишларга эга бўлган тадқиқотчи Рустам Бойметов шу улғу ёшда ҳам илмдан, изланишдан тўхтамаган. У бугунги кунда институтнинг илмий фаолиятида етуқ устоз сифатида замонавий илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимларга маслаҳат бериб келмоқда.

Даврон НОРЧАЕВ,

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директорининг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси, техника фанлари доктори, профессор.

Кўп қаватли уйлар ҳамда ертўлалар хатловдан ўтказилди

Юртимизда, шу жумладан, Бухоро вилоятида ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида кўпқабатли уй-жойлар уларга монанд инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Бу жараёнда албатта, қуриладиган бино ва иншоотларнинг сифатлиги, қурилиш меъёрларига қатъий амал қилингани ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси томонидан ҳам ҳудудда қуриладиган объектлар буйича қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат ишлари олиб борилмоқда. Инспекциянинг Кўп қаватли уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими томонидан амалга оширилётган ишларга

тўхталиб ўтадиган бўлса, жорий йилнинг ўтган қарийиб уч ойи давомида 258 та кўп қаватли уйлар ҳамда 158 та ертўлалар мухтаassisлар томонидан хатловдан ўтказилиб, https://ujk-nazorat.mc.uz онлайн формасига киритилди. Ўтказилган мониторинглар натижасида жами 61 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 6 таси таянч ва тўсиқ конструкциялар бузилиши, 32 таси туташ ер

участкасида қурилган ўзбошимча қурилмалар, 19 таси умумий фойдаланиш жойларидаги қонунбузилиш ҳолатлари, 4 таси ертўла қисмидаги қонунбузилиш ҳолатларини ташкил этди. Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 55 та ҳолатдаги қонунбузилишлар бартараф этилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 5 та қонунбузилиш ҳолати буйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли бандларига асосан жами 101,8 млн. сўм маъмурий жарима йўлга қўйилмоқда. 5 та бартараф этилмаган ҳолатлар юзасидан фуқаролик судига даъво аризалари киритилди.

Умрбек УЛУҒОВ,

Бухоро вилояти ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

УЧҚЎРҒОНЛИК ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЎЗ ТАЖРИБАСИ БОР

Аҳоли турмуш фаровонлиги, бозорларимиз тўқин-сочинлиги ва дастурхонларимиз бекаму кўстлигида томорқа хўжаликларининг ўрни бекиёс. 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир. Томорқа хўжаликларини ривожлантириш фақат оила фаровонлигини таъминлабгина қолмай, янги иш ўринларини очиб эвазига аҳолининг иш билан бандлигини ва қўшимча даромад олишини таъминлайди. Томорқа хўжаликларидан яратилган махсулот нафақат ўз эҳтиёжларини қондиради, балки мамлакат бозорларини ҳам сифатли махсулотлар билан тўлдирди. Энг муҳими, унинг маънавий аҳамияти ҳам бекиёс бўлиб, оилаларни боқимандалик руҳиятидан ҳоли қилади, аҳолида ташаббускорлик ва интилувчанлик кайфиятини уйғотади.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида ҳам маъмур тармоқни ривожлантириш буйича ўз вақтида зарур чора-тадбирларнинг белгиланганлиги томорқалардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Туманда қулпнайчилик, гулчилик, кўчатчилик, асаларичилик, олвалчилик каби йўналишлар жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Айниқса, Учқўрғонда қулпнайчилик драйвер соҳа сифатида ривожланиб келмоқда. Жумладан, туманининг Кўчабоши маҳалласида яшовчи фаол томорқачи Эгас Қаҳрамон Якубов ўз хонадонидан замонавий иссиқхоналар ташкил этиб, кўчатчиликни йўлга қўйган. Ҳозирги кунда иссиқхоналарда 30 хил турдаги қишлоқ хўжалиги ва манзарали ўсимлик кўчатларидан жами 1 миллион данога яқин кўчат етиштирилмоқда. Бу эса нафақат маҳалла эҳтиёжини қондириш, балки атрофдаги ҳудудларга ҳам сифатли кўчат етказиб бериш имконини яратмоқда.

Кўчатчилик тез айланувчи, юқори даромадли ва қатъий меҳнат талаб қилмайдиган йўналиш ҳисобланади. Қаҳрамон Якубов томонидан йўлга қўйилган маъмур фаолият маҳаллада бандликни таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш ва томорқадан самарали фойдаланиш буйича намуна бўлмоқда. Энг муҳими, 12 нафар маҳаллий фуқаро доимий иш билан таъминланган.

“Истиқлол” маҳалласида фаол тadbиркор Фатхиддин Восқаров томонидан эса, 3,5 гектар майдонда ноёб гуллар ва 8 турдаги хорижий навли қулпнайчи етиштириш ишлари кенг қўламак йўлга қўйилган. Бу ташаббус нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки янги иш ўринлари яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Лойиҳа доирасида 30 нафар маҳаллий хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, бу эса аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Етиштирилган гуллар ва қулпнайчи махсулотлари Қирғизистон орқали хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу маҳаллий махсулотларнинг халқро бозордаги рақобатбардошлигини ва тadbиркорлик салоҳиятини кўрсатиб турибди. Шунингдек, Қоқоқовул маҳалласи “Баркамол” кўчасида яшовчи Толибжон Исмоилов ҳам ўз томорқасидан унумли ва самарали фойдаланиб келаётган фидойий инсонлардан бири. У ерга меҳр қўйиб, томорқада турли қишлоқ хўжалиги экинлари, картошка, сабзавот ва кўчатлар етиштириб, оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга бозорга ҳам сифатли махсулот етказиб бормоқда. Толибжон қанинги меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги ва тadbиркорлиги маҳалла аҳлига ўрнак. Томорқадан оқилана

фойдаланиш орқали у киши оилавий даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда.

Яна бир эътиборга молик ҳолат шукки, Шалдирама маҳалласида истиқомат қилувчи Тожиддин Жалилов ўз яшаш хонадонидан ноёб ва самарали лойиҳани бошлади, яъни писта плантациясини



ташкил этди. Ҳозирда хонадонда 30 туп 12 йиллик хандон писталари мавжуд. Бу писталар дунёдаги энг харидоргир турлардан бўлган, Эрондан олиб келинган кўчатлардан маҳаллийлаштирилган. Ҳозирда бу кўчатлар тўлиқ мевага кириб, нафақат маҳаллада, балки кенг қишлоқ ҳудудида ҳам диққатни тортди турибди. Тожиддин ота нафақат мевадан, балки унинг кўчатларидан ҳам фойдаланмоқда. Шу билан бирга, писталар остида 60 та асалари учун уя ташкил этилган, бу эса табиий боғдорчилик ва асаларичиликни бирлаштирган янги ёндашув ҳисобланади. Хонадоннинг бундай замонавий ва экологик тоза фермаси сайёҳлик лoқациясига айланиб бормоқда. Мева узиб ейишга



қизиқувчилар нафақат Ўзбекистоннинг турили ҳудудларидан, балки хорижий давлатлардан ҳам ташриф буюрмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида янги йўналишлар жадал ривожланиб бормоқда. Шулардан бири олвалчилик бўлиб, бу соҳа бугунги кунда нафақат даромад манбаи, балки туман иқтисодийтини олга тортувчи муҳим йўналиш сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Олвали дунё бозорига харидоргир ва юқори қийматга эга махсулотлар қаторига кириди. Шу боис, унинг қайта ишланган махсулотлари: шарбат, мураббо, қуритилган қўринишлари ташки бозорда катта талабга эга. Ўтган йилда туманда мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида олвалчининг қиймати янада ошди. Илгари фақат хомашё сифатида сотилган ушбу махсулот бугунги кунда қўшимча қиймат яратиш орқали фермер ва деҳқонлар учун янада манфаатли бўлиб бормоқда. Натижада, олвалчининг нархи деярли барча меваларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Қолаверса, мутахассисларнинг таъкидлашича, олвали ўсимлиги ҳудуд иқлимига ҳам жуда мос келади. У тез кўкариб кетади, парвариши нисбатан осон ва қўлаб касалликларга чидамлиги билан ажралиб туради. Бу эса уни кичик томорқалардан тортиб, йирик плантацияларга ҳам самарали етиштириш имконини беради. Яна бир мисол. “Истиқлол” маҳалласида яшовчи тadbиркор Толибжон Холматов томонидан Беларуссия, Сербия ва Польша

давлатларида етиштириладиган “голубика” навли қимматбаҳо ягода меваси кўчатларини Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштириш ишлари устида изланиш олиб бориляпти. Голубика до-ривор хусусиятга эга бўлган сердаромад мева тури ҳисобланиб, бугунги кунда жаҳон бозорига унинг 1 килограмми 20-25 АҚШ долларига баҳо-ланмоқда. Етиштириладиган кўчатлар 4-7 йиллик бўлиб, учинчи йилдан тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

Голубика етиштиришнинг замонавий усуллари ўрганиш мақсадида Толибжон Холматов Евро-па давлатларида бир неча марта малака ошириб келган. Ҳозирги кунда кўчатлар маҳаллийлашти-рилиб, аҳолига кооперация усулида тарқатиш ва етиштирилган махсулотни қайта сотиб олиш ти-зими йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга, туманда ривожланиб бораётган экотуризм йўналишини доирасида 10 гектар майдонда голубика, ежевика ва малина плантацияларини барпо этиш буйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу лойиҳа янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини ошириш ҳамда экспортгоп махсулотлар ҳажмини кўпай-тиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат махсулотларига бўл-ган эҳтиёжини қондириш, дастурхонларни қиш-н-ёзн тўқин этиш, турмуш фаровонлигини янада оширишда томорқанинг аҳамияти бекиёс. Шунинг учун ҳам туманда аҳоли томорқаларидан янада самарали фойдаланишга эътибор кучай-моқда. Ердан унумли фойдаланиш, хусусан, то-морқаларни тоқзор, мевали боғ, картошка ҳамда қулпнайчининг ҳам энг сархил навларини етишти-радиган экинзорга айлантириш аҳоли даромад-ларини ошириш ва бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хулоса ўрнида айтиш керакки, томорқа хўжаликларини янада ривожлантириш ва бунинг учун барча имкониятларни ярати-б бериш орқали меҳнат қилган кишининг оила иқтисодийи бақувват, рўзғори бут, дастурхони баракали бўлишига ва мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада юксалтиришга эриши-лади.

Мирзохид БЕКМИРЗАЕВ



Инсонни ҳаётда камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, сирасини айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида устозларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Илм ва уни талаб қилишнинг фазилати нақадар улуг бўлса, илм ўргатиш, яъни, устозлик қилишнинг фазилати унданда буюқдир. Мавлоно Жалолиддин Румий таърифлаганидек:

Кимниким устои йўқ, ҳам ишин бунёди йўқ,
Маъни йўлида ғарибдир, кимниким устои йўқ.

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ...

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳаётда устозлик – юқори мақомга эга олий рутба. Унга эришиш учун эринмай меҳнат қилиш ва тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Бемисл меҳнат, тинимсиз изланиш, билим жа-воҳирларини йиғиб, уни шогирдларига улашиш устозлик обрўсини улуг қилади.

Устозлик бобида тинимсиз меҳнат қилиб, юқорида таъкидланганидек билим жавоҳирларини йиғиб шогирдларига улашган, устозлик мақомини, обрўсини янада улуг қилган инсонлардан бири қишлоқ хўжалиги фанида таниқли олим, устоз ва мураббий, академик Қирғизбой Мирзажоновдир. Устоз ҳаёт бўлганларида шу кунларда муборак 90 ёшни қарши олардилар.

Устознинг болалиги Фарғона туманининг Каптархона қишлоғида ўтди. Ёшлигидан қишлоқ хўжалигига қизиқиб, шу қизиқиб уни ўрта Осиё давлат университети-га етаклади. Университетни тугатгач, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимё институтининг кундузги бўлим аспирантурасига қабул қилиниб, 1963 йилда академик Карим Аҳмедов ва профессор Вениамин Гусса-ларнинг илмий раҳбарлигида "Фарғона водийсида шамол эрозияси ва унга қарши кураш" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўша йилларда республикада шамол эрозияси халқ хўжалигига жиддий зарар келтирар, олдини олишнинг илмий ечимлари ҳали ўрганилмаган эди. Шу боисдан Қ.Мирзажоновнинг тадбиқиёт институтиди (ҳозирги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот

институтини) "Тупроқ эрозиясига қарши кураш" лабораторияси ташкил этилди. Лабораторияга малакали олим ва мутахассислар жалб этилди. Натижада республикада шамол эрозиясига қарши кураш ишлари шакллантирилди ва амалиётда ўз ўрнини топди.

Бундан ташқари, олим томонидан Фарғона водийси, Мирзаҷўл, Қарши чўллари ва Бухоро вилоятига қўллаб илмий экспедициялар уюштирилди, ҳудудларнинг тупроқ таркиби ўрганилди, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шамол эрозиясига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш, унумдорлигини ошириш борасида изланишлар олиб борилди. Фарғона вилоятининг ғарбий ва марказий ҳудудлари ва Қашқадарё вилоятининг Қарши чўлида жойлашган туманларида, шунингдек, Бухоро вилоятидаги Жилвон, Ўртаҷўл ва Маликҷўл тупроқларида мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун дефляцияга қарши ихота ўрмон полосалар ҳосил қилиш, кўп ўрмилли оқ жўхори, судан ўти, маккажўхори, кунгабоқар, жавдар, кузги бугдой ва бошқа экинлардан кулли тўсиқлар барпо қилиш, қум, қумлоқ ва енгил тупроқларнинг механик таркибини оғирлаштириш, пуштада оралик экинлар ангизини қолдирган ҳолда эгат тубига чигит экиш, структуралар ҳосил қилувчи кимёвий полимер моддалар қўллаш меъёрлари ва муддатлари ишлаб чиқилди.

Республика қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик илмий ишлардан яна бири академик Қ.М.Мирзажонов иштироки ва раҳбарлигида Ўзбекистон ҳудудларида чанг-бўронларининг схематик ва шамол

эрозияси руй берадиган ҳудудлар тупроқларининг хариталари тузилди. Шамол эрозиясига учраган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатлари, агрофизикавий хоссалари ўрганилди, шамол тезлиги ва тупроқларнинг типларига қараб суғориладиган ерларда ихота дарахтларини икки қатордан тўрт қаторгача экиш етарли эканлиги, кўп қаторли эрозияни қайтадан қучайтириши мумкинлиги аниқланди. Ушбу тажриба туфайли мамлакатимиз вилоятларида қўллаб ихота ўрмонзорлари ташкил этилган.

Олим томонидан асосланган тартиб Республика қишлоқ хўжалиги вазирилиги ва Ўрмон қўмитаси томонидан қабул қилиниб, вилоятларда қўллаб ихота ўрмонзорлари барпо қилинди. Олимнинг саксовул, қандим ва черкез буталар уруғини экиб, қум устига сульфат-спирт бордасини се-пиб, юпка парда яратгани, яхши кўчатлар ҳосил қилиб кўчар қумларни тўхтатиш усули Бойқўнғир космодромини қумлардан сақлаш имконини берди. Бу ўша давр учун ҳам, бугун учун ҳам катта ихтиродир. Зеро, ўша пайтда собиқ иттифокда юзлаб, минглаб олимлар Бойқўнғир космодромини қум барханларидан сақлаш муаммоси устида изланиш олиб борар эди. Лекин бу муаммонинг ечимини ўзбек олими топди ва ҳаётга татбиқ этди. Ушбу илмий ишлан-малар М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори, таниқли эрозияшунос олим М.Засловский томони-дан эрозияшунослик дарслигига қўлланма сифатида киритилди.

Ана шундай илмий ишларнинг самараси натижасида устоз 1981 йил "Ўзбекистон

Республикаси суғориладиган ерларида шамол эрозияси ва унга қарши курашнинг илмий асослари" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кўп ўтмай олимга 1983 йили "мелиорация", 1984 йили эса "агрохимё" мутахассислик-лари бўйича профессорлик унвони берилди, 1991 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1996 йил Нью-Йорк фанлари ва Россия табиий фанлари академиясининг ҳақиқий академиги этиб сайланди. "Қорақалпоғи-стон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" унвонига, давлатимизнинг бир қатор юксак мукофотлари, кўпгина кўр-газмаларнинг олтин, қумуш ва бронза ме-далларини олишга сазовор бўлди. 2017 йил давлатимизнинг юксак мукофоти "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди. У 500 дан зиёд илмий иш, жумладан, 15 та монография, юздан ортиқ мақола ва та-всияномаларга муаллифлик қилган.

Устоз 60 йиллик илмий педагогик фа-олияти давомида қўллаб ёш олимлар, изла-нувчиларга устозлик қилиб, деҳқончилик, пахтачилик, тупроқшунослик, агрохимё ва мелиорация мутахассисликлари бўй-ича 57 нафар фан номзоди, 10 нафар фан доктори тайёрлади, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги фанида академик Қ.Мирзажонов мактаби яратилди. Эндиликда устознинг ишларини ўнлаб шогирдлари давом этти-ришмоқда.

Эслаган сари ҳаяжонланадиган хотира-ларимиз бор. Гўзал хотиралардан кўпинча дард ва мунгли еллар эсади. Дунё лаззат ва хурсандчиликка тўла бўлсада, гўзалликлар бизга кўрсатилиб, сўнг тортиб олинади. Табиат қонуни шундай. Биз яхши кўриб, суяниб юрган инсонимизни бир куни йўқо-тамиз ва ўша инсонлар тўғрисида гўзал хотиралар билан яшай бошлаймиз. Ўтган-ларнинг охирати обод бўлсин!

Ш.Н.НУРМАТОВ,

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Б.М.ХАЛИКОВ, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.




ТАРИХГА МУҲРЛАНГАН МИЛЛАТ ҚУДРАТИ

Бугун бутун дунёда инсониятни хайратга солаётган ишлар, қурилишлар, инновацион технологияларнинг сон-саногини йўқ. Лекин мен бутун дунёга машҳур бўлган буюк аждодларимиз, буюк боболаримиз қолдириб кетган илмий, адабий меросини, уларнинг бутун инсоният учун қилган буюк ишларини намоян этувчи Ислам цивилизацияси маркази ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳбарлигида юртимизда барча соҳаларда изчил ислохотлар, жумладан, динимиз йўлида кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан бири Самарқандда Имом Бухорий мажмуаси бўлса, иккинчиси Тошкент шаҳрида яқинда очилган Ислам цивилизацияси марказидир. Бу марказ аслида миллатимиз қаҳрамонлари бўлган буюк аждодларимиз, уларнинг мероси ва миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат рамзидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "Ушбу Марказда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва цивилизацияси дурдоналарини бир пайтнинг ўзида ягона маърифий маконда кўриш, шу асосда ўзбек халқининг интеллектуал ва маданий салоҳиятини яққол англаш мумкин. Бу маскан



билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳия-тини англаб етати, ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлади".

Ислам цивилизацияси марказидаги экспози-циялар шуниси билан инсонни хайратга соладик, уларнинг 90 фоизи қайси даврга тегишли бўлса, барчаси ҳақиқий. Барча давр қаҳрамонлари билан сунъий интеллект орқали мулоқот қилишингиз, қаҳрамонлардан маълумот олишингиз мумкин. Энг асосийси, Ислам цивилизацияси марказининг юраги деб ҳисобланган Қуръон залида бўлган инсон беихтиёр кўзларига ёш олади, хайрати ошади, ҳаяжонли қадиқларни ҳис қилади. Тур-фа чироқлар турлиниб туради ва Қуръон оятлари ўқилганда, қалблар янада жунбушга келади.

Яна бир ноёб дурдона – бу дунёдаги Усмон мушсафнинг олтига нусхаси мавжуд бўлса, шун-дан биттасини худди мана шу ерда кўришингиз мумкин.

Қувонарлиси, давлатимиз раҳбари кўрсатмаси-га биноан, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Ис-лом цивилизацияси марказига кўчириб ўтказилди.

Марказ бинолари уч қаватдан иборат бўлиб, бу ерда минг йиллик тарих билан танишасиз ва ўша даврга саёҳат қиласиз. Бу илм марказига кўпроқ ёшларимизнинг келишини, Ўз тарихи, аждодла-римизнинг буюк ишлари, илмий мерослари билан танишиб, уларга муносиб авлод бўлиб етишиш-ларини жуда-жуда истардик. Чунки марказдаги маълумотлар ислом дини моҳиятини унинг пайдо бўлишидан тортиб, бугунги кунгача бўлган тари-хини жуда чуқур тарзда очиб беради. Бу шундай масканки, у бизни тарихни билишга, ер юзида тинчликни қадрлашга ундайди. Чунки "У юрак-дан турилган, халқимизнинг орзу-интилишлари ва буюклигини намоян этиш истагидан пайдо бўлган маскандир. Бу лойиҳа буюк халқимизнинг асл қиёфасини рўёбга чиқаришга қаратилган эзгу ниётлар махсулидир!"

Абборжон ТУРҒУНОВ,

Норин туманидаги "Ғоиб бува" жомеъ масжиди имом-хатиби.

➔ Эълон

01-01/18183 рақами билан 1994 йил 29 мартда Алимухамедова Мухаббат Адъл-ҳоджаевна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолган-лиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мавлуда РЎЗИЕВА Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Хонақа қишлоғида туғилган. "Бир севги қисмати", "Онамни қайтаринг юлдузлар", "Сўздан тоғиб бўлмас", "Қўш ирмоқлар", "Тушдаги учрашув", "Ой қулган кеча", "Кўзларимга суртгум тупроқларингни" каби шеърый ва насрий асарлар, эсселар муаллифи.



Самарқанд

Бўйлари буй чўзган само Самарқанд,
Кўёш боши уза зиё Самарқанд.

Осмон ўнар тоғли Ургулларинг бор,
Қояда қорлари зебо Самарқанд.

Кўҳна тарихингга жоним тасаддуқ,
Бўлдинг машҳур эллар аро Самарқанд,

Барча сулувлардан ўзингсан сулув,
Бергансан ўзингга оро, Самарқанд.

Кишимиз узумларинг жоннинг ҳузур,
Қалбима тотти жо бажо Самарқанд.

Олис ўлкалардан келиб сайрона,
Берар чиройингга баҳо, Самарқанд.

Сени ардоқлагай Мавлуда қизинг,
Маҳзингга тиллари бурро, Самарқанд.

Дурдонаман

Кечалар кўкка боқиб васлингни эслаб ёнаман,
Собит-у сайёралар кулгусига мастонаман.

Соғиниб, ҳажринг ила минг ўртаниб, минг дард чекиб,
Сайдини ахтарган ул сайёд каби сайронаман.

Ташласанг бир дам нигоҳ, сеҳрингга бўлмишман асир,
Кўз қароғинг ичра жой олган ўзим пинҳонаман.

Боқмасанг, кетсанг қочиб, тоғлардаги жайрон мисол,
Жайроним, деб ахтариб, куйган дили сайронаман.

Кўлдаги оққуш мисол жуфт-жуфт бўлиб сузсак агар,
Шодлигимдан энтиқиб, қайғуларга бегонаман.

Менки Мавлуда, сенинг ишқинг билан ёсман ғазал,
Шул ғазал сатрига синган бебаҳо дурдонаман.

Мен учун аллоҳим асрасин сизни

Сизсиз эгилади ғамлардан бошим,
Манос кўзларимдан томчилар ёшим.
Йўлларим ёритган порлоқ кўёшим,
Мен учун Аллоҳим асрасин сизни.

Маҳзун дамларимда суянч бўлганим,
Оғриқли онларда юпанч бўлганим.
Қалбимга қувончлар олиб келганим,
Мен учун Аллоҳим, асрасин сизни.

Ранжитсалар дилни кўзимни юмдим,
Тонгда гулобларга юзимни ювдим.
Исмингиз қалбимнинг тўрига кўйдим,
Мен учун Аллоҳим, асрасин сизни.

Ҳижрон азобидан рангларим абгор,
Тунларим уйқусиз, ишқ ичра бедор.
Яратган эамдан, сўрайман минг бор,
Мен учун Аллоҳим асрасин сизни.

Қувончли кунларда худди нурсизман,
Тушларимда ҳатто афсус сизсизман.
Сизни йўқотишдан қўрққан бир қизман,
Мен учун Аллоҳим асрасин сизни.

Ортингиздан чопган, сояман – изман.
Лайлидек девона, маъшүқа қизман.
Ой бўлсанг, парвона йўлчи юлдузман,
Мен учун Аллоҳим асрасин сизни.

Сўрамайсиз ҳолимни бир лаҳза, бир он,
Оқиб бу дилда ишқингиз пинҳон.
Борлиғим, боримсиз, бўлинг, соғ-омон,
Мен учун Аллоҳим асрасин сизни.

Бунча кўп озоринг, бевафо дунё,
Қалбимни тирнайсан, тиг бўлиб гўё.
Энг ёмон кўрганам миш-миш, дийдиё,
Мен учун Аллоҳим, асрасин сизни.

Безуборим, шоиргинам

Ёзганингиз дарду аламим,
Дардкашингиз қоғоз, қаламим?
Ўзга дарди сизга малҳамим?
Безуборим, қалб кўёшимсиз,
Шоиргинам, қайғудошимсиз.

Тунлар уйқу йўқ, бедормисиз?
Ҳижронларга мендек ёрмисиз?
Дардли дилга ишқоқормисиз?
Безуборим, қалб кўёшимсиз,
Шоиргинам, қайғудошимсиз.

Дардингизни билолсам қани?
Сизга ҳамроз бўлсам қани?
Тўфонлардан асролсам қани?
Шоиргинам, дилдошим менинг,
Зиё сочган кўёшим менинг.

Мен гул бўлсам, сиз япроғимсиз,
Қалбим аро бир титроғимсиз.
Обихаёт, ойбўлоғимсиз,
Ўзим каби яқдонагимам,
Шоиргинам, дилпорагинам.

Сувратингиз қалбимга чиздим,
Ғам-андуҳнинг саройин буздим.
Севгим гулин дасталаб туздим
Шоиргинам, яқдонагимам,
Далда бўлинг, асло йўқ гинам!

Шеърларингиз йиғлаб ўқисам,
Юрагимни тиглаб ўқисам.
Дил оромин ундан тополсам,
Дардкашимсиз, садпорагинам,
Шеър ишқиди оворогинам.

Кўрсам агар сочингиз оқин,
Тўхтатолман дилгинам оқин.
Қошқи кезсак садоқат боғин,
Безуборим, яқдонагимам,
Сиз-ла обод қошоногинам.

Ҳар сўзингиз бўлмайдим унут,
Дер эдингиз "шоирингни кут,
Муҳаббатим эгаидан тут!"
Атрофимда парвонагинам,
Шоиргинам, девонагинам.

Ўртамизда олис бир довон,
Самарқандда мен кўзи гирён.
Айролқидда кўнжлар ваёрон,
Шоиргинам, бечорогинам,
Васлингизга йўқ чорогинам.

Кўлдан тутинг бирга юргани,
Яралганман ҳамроз бўлгани.
Ёнингизда ойдаи тўлгани,
Безуборим, парвонагинам,
Қалбимдаги таронагинам.

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
kompleksi tarkibidagi hamda
boshqa daxldor vazirlik
va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan

2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-417. 1140 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Markс YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.

Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.

E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharaq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Taron" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023



Bosishga topshirish vaqti: 21:00
Bosishga topshirildi: 19:30